

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Турсунов Достонбек Рустамбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти.

**E-mail:** [tursunovdostonbek@icloud.com](mailto:tursunovdostonbek@icloud.com) Тел: +998 88 834 03 20

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19660499>

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тартибга солувчи миллий қонунчилик базасининг бугунги ҳолати, ҳуқуқий механизмлари ва ўзига хос хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Туризм индустриясини ривожлантиришининг замонавий тенденцияларидан келиб чиқиб, соҳадаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коллизиялар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраётган муаммолар очиқ берилган.

Тадқиқот жараёнида тизимли-таркибий, қиёсий-ҳуқуқий ва мантиқий билиш методларидан фойдаланилган ҳолда, илгор хорижий давлатларнинг туризм қонунчилиги тажрибаси ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра, соҳага оид қонун ҳужжатларини инвесторлар ва туристлар ҳуқуқларини кафолатлаш, туризмнинг янги турларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** туризм қонунчилиги, ҳуқуқий тартибга солиш, туризм индустрияси, экологик туризм, ҳуқуқий бўшлиқ, халқаро стандартлар, туристларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

## ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О ТУРИЗМЕ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Аннотация.** В данной статье проводится научно-теоретический анализ текущего состояния, правовых механизмов и специфических особенностей национальной законодательной базы, регулирующей сферу туризма в Республике Узбекистан. Исходя из современных тенденций развития индустрии туризма, выявляются существующие правовые пробелы, коллизии в нормативно-правовых актах и проблемы в правоприменительной практике.

В процессе исследования с использованием системно-структурного, сравнительно-правового и логического методов познания изучен опыт туристического законодательства передовых зарубежных стран.

По результатам исследования разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию законодательства в части гарантирования прав инвесторов и туристов, правового закрепления новых видов туризма, а также цифровизации отрасли.

**Ключевые слова:** Туризм, законодательство о туризме, институт гостеприимства, историческая эволюция, римское право, Великий шелковый путь, государственная политика, безвизовый режим.

## ISSUES OF IMPROVING TOURISM LEGISLATION IN UZBEKISTAN

**Abstract.** This article provides a scientific and theoretical analysis of the current state, legal mechanisms, and specific features of the national legislative framework regulating the tourism sector in the Republic of Uzbekistan. Based on modern trends in the development of the tourism industry, the existing legal gaps, conflicts in normative-legal acts, and problems in law enforcement practice are revealed.

*During the research, using system-structural, comparative-legal, and logical methods of cognition, the experience of tourism legislation of advanced foreign countries was studied.*

*Based on the results of the study, scientifically grounded proposals and recommendations were developed to improve legislation in terms of guaranteeing the rights of investors and tourists, legally consolidating new types of tourism, as well as digitalizing the industry.*

**Keywords:** *tourism legislation, legal regulation, tourism industry, ecological tourism, legal gap, international standards, protection of tourists' rights.*

**Кириш.** Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида эътироф этилиб, уни ривожлантиришга давлат даражасида улкан эътибор қаратилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ташкил этилди. Бу тузилманинг ўзига хос ҳуқуқий мақоми шунда эдики, у бир вақтнинг ўзида ҳам давлат органи, ҳам хўжалик юритувчи субъект сифатида фаолият юритди.

Иқтисодчи олим Н.Т.Тўхлиев таъкидлаганидек: "Дастлабки босқичда туризмни бошқаришда давлат монополиясининг сақланиши ўтиш даври қийинчиликларини енгиб ўтиш учун зарур чора эди, аммо бу рақобат муҳитининг шаклланишига тўсқинлик қилди". [1] 1999 йил 20 августда қабул қилинган ва ҳозирда ўз кучини йўқотган, Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни соҳадаги илк фундаментал ҳужжат бўлди. Қонун 21 моддадан иборат бўлиб, унда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари белгиланди. Бироқ, бизнинг фикримизча ушбу қонун бир қанча камчиликларга эга эди ва қонун нормаларининг аксарияти ҳаволаки бўлиб, аниқ ижро механизмлари қонуности ҳужжатларига ташлаб қўйилган эди.

Юқоридаги бир қанча омиллар ушбу соҳадаги қонунчилик тизимини такомиллаштиришни тақозо этди. 2016-йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси туризм сиёсатида сифат жиҳатдан янги даврни бошлаб берди. Мазкур босқич давлат томонидан туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида эътироф этиш, уни диверсификация қилиш ва халқаро интеграция жараёнларига чуқур жалб этиш билан тавсифланади. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан туризм иқтисодиётнинг драйвер соҳаларидан бири сифатида белгилаб олинди ва бу, ўз навбатида, соҳанинг институционал-ҳуқуқий асосларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

Ушбу босқичнинг бошланғич нуктаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони [2] қайд этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур ҳужжат туризм соҳасини ислоҳ қилишда комплекс ёндашувни белгилаб бериб, норматив-ҳуқуқий базани модернизация қилиш, институционал тузилмани оптималлаштириш ва инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни ўз ичига олди.

Хусусан, ушбу даврда визавий сиёсат либераллаштирилиб, 90 дан ортиқ давлат фуқаролари учун визасиз режим жорий этилди, шунингдек, электрон виза (E-visa) тизими амалиётга татбиқ этилди. Бу эса мамлакатнинг туристик жозибадорлигини ошириш ва халқаро туристик оқимларни кўпайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш жараёнида 2019 йил 18 июлда қабул қилинган ЎРҚ-549-сонли янги таҳрирдаги "Туризм тўғрисида"ги Қонун [3] алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қонун 45 моддадан иборат бўлиб, унда халқаро стандартлар, хусусан, Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) тамойиллари кенг қамровда имплементация қилинди. Қонунда “туристик кластер”, “туристик зона”, “гид”, “экскурсия етакчиси” каби асосий тушунчаларга аниқ ҳуқуқий таърифлар берилди, бу эса соҳадаги ҳуқуқий аниқлик ва институционал шаффофликни таъминлади.

Янги таҳрирдаги қабул қилинган «Туризм тўғрисида»ги Қонун [3] соҳадаги кўплаб муносабатларни тартибга солишда муҳим қадам бўлди. Бироқ, жаҳон миқёсида туризм индустриясининг шиддат билан ривожланиши, туризмнинг янги турлари оммаланиши ва соҳанинг рақамлаштирилиши миллий қонунчилик базасини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Янги таҳрирдаги қонунда экотуризм, тиббий туризм, зиёрат туризми, агротуризм каби тушунчаларга умумий таъриф берилган бўлсада, уларни ташкил этишнинг аниқ механизмлари йўқ. Масалан, экотуризмда ер ажратиш, табиатга етказилган зарар учун юридик жавобгарлик ва экологик чекловлар масаласи очик қолмоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда туристларнинг аксарияти хизматларни онлайн платформалар орқали харид қилмоқда. Бироқ миллий қонунчилигимизда ушбу транснационал электрон платформаларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги фаолияти, уларнинг туристлар олдидаги юридик жавобгарлиги ва солиққа тортиш механизмлари тўлиқ шаклланмаган. Шунингдек, туроператор тўловга қобилиятсиз деб топилса ёки форс-мажор ҳолатлари юз берса, туристларга пулларни қайтариш ёки уларни ватанга эвакуация қилиш бўйича қафолат механизмлари қонунда қатъий ва мукаммал белгиланмаган.

Туризм қонунчилигини такомиллаштиришда борасида айрим хорижий давлатларнинг тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, Франция дунёда биринчилардан бўлиб туризм қонунчилигини кодификация қилган давлат ҳисобланади. Франциянинг «Туризм кодекси» (Code du tourisme) [4] нафақат давлат бошқарувини, балки туризм зоналарини режалаштириш, меҳмонхоналар таснифи, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг майда деталларигача тартибга солади. Бизнинг фикримизча, кодификациялаштириш нормалар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга хизмат қилади.

**Россия Федерацияси** қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, Россияда туризм соҳасининг базавий ҳуқуқий ҳужжати "Россия Федерациясида туристлик фаолияти асослари тўғрисида"ги 132-ФЗ-сонли Федерал қонун [5] ҳисобланади. Сўнгги йилларда бу қонунга соҳани рақамлаштириш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор концептуал ўзгартиришлар киритилди.

Россия қонунчилигида хорижга сайёҳ жўнатувчи туроператорлар учун қатъий молиявий қафолатлар белгиланган. "**Турпомощь**" ассоциацияси ташкил этилган бўлиб, ҳар бир туроператор ушбу компенсация фондига бадал тўлайди. Юқоридаги қонунга асосан агар компания банкрот бўлса, сайёҳларни хориждан қайтариб олиб келиш шу фонд ҳисобидан амалга оширилади. Хорижга туристларни жўнатувчи ҳар бир туроператор ўз фаолиятини амалга оширишдан олдин молиявий қафолатга (суғурта ёки банк қафолати) эга бўлиши шартлиги қатъий белгиланган. Шунингдек, ушбу қонунга биноан захира фондлари ҳам ташкил қилинган. Агарда туроператор тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда ёки ўз мажбуриятларини бажара олмаганда, хорижда қолиб кетган сайёҳларга шошилиш чараси кўрсатиш, хусусан, уларни самолётларни чартер қилиб мамлакатга қайтариш мақсадида туроператорларнинг мажбурий бадаллари шакллантирилиши белгиланган.

Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг Қарори билан тасдиқланган "Қозоғистон Республикаси туризм тармоғини ривожлантиришга мўлжалланган Давлат дастури" қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан "инвестицияларни диверсификация қилиш мақсадида республика миқёсидаги Топ-10 "Туристификация харитаси" тасдиқланган. Унга кўра, айнан шу 10 та ҳудуд устувор туристик ҳудудлар мақомини олган. Қарорда бу ҳудудларни йўллар, электр энергияси, сув ва канализация билан таъминлаш фақат давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши, инвестор эса фақат тайёр жойга келиб меҳмонхона ёки парк қуриши қатъий белгилаб қўйилган" [6].

**Юқоридаги таҳлиллар ва умумий хулоса ўралок**, миллий қонунчилигимиздаги ҳолат ва илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда, Ўзбекистонда туризм тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий асосланган таклифлар илгарни суриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тартибга солувчи нормаларни кодификация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг **"Туризм кодекси"** ни қабул қилиш таклиф этилади. Ушбу кодексда туризм турларини ташкил этиш ва фаолият юритиш тартиблари, жойлаштириш воситалари ташкил этиш ва уларга қўйилган талаблар, туризм хизматлари стандартлари, туристик кластерлар ва зоналар тўғрисидаги нормалар жамланиши мақсадга мувофиқдир. Бу нафақат ҳукукий зиддиятларни бартараф этади, балки прокурор назорати самарадорлигини ҳам сезиларли даражада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 475-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган "Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом" нинг 3-боб, 7-бандига **"Жойлаштириш воситаларидаги бахтсиз ҳодиса ёки форс-мажор ҳолатлари оқибатида истеъмолчиларга утказилган моддий зарарлар"** деган янги хатбоши қўшилиши таклиф этилади. Бу Россиядаги «Турпомощь» тажрибасига мувофиқ равишда сайёҳлар манфаатларини молиявий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг механизмини яратади.

Қозоғистон Республикаси тажрибасидан илҳомланиб, Тошкент, Наманган, Фарғона ва Жиззах вилоятларини устувор туристик ҳудудлар сифатида белгиловчи, ушбу ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш ва "эркин иқтисодий зона" мақомини бериш чора-тадбирларини назарда тутувчи **"Туризм-2030"** давлат дастурини қабул қилиш таклиф этилади.

Юқоридагилардан ташқари яна электрон тижорат ва туризм хизматларини интеграция қилган ҳолда, глобал брон қилиш тизимларининг (Booking, Airbnb) Ўзбекистон ҳудудидаги фаолиятини тартибга солувчи, уларнинг хизматларидан фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари хавфсизлигини таъминловчи нормаларни қонунчиликка имплементация қилиш зарур ҳисобланади.

Хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, туризм индустрияси барқарор ривожланиши учун қонунчилик фақатгина сайёҳлар сонини кўпайтиришга эмас, балки хизмат сифати, экологик мувозанат ва маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилиши керак. Ўзбекистон ҳозирги кунда инфратузилмани шакллантириш ва **"очиқ эшиклар"** сиёсати орқали экстенсив ўсиш босқичидан муваффақиятли ўтмоқда. Бироқ, соҳани узоқ муддатли ўсишни таъминлаш ва глобал рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида миллий қонунчилигимизга халқаро моделларни босқичма-босқич интеграция қилиш илмий жиҳатдан зарур ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

1. Тўхлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Туризм иктисодиёти: назария ва амалиёт. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б. 45.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратadbirlари тўғрисида"ги ПФ-4861-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги "Туризм тўғрисида"ги ЎРҚ-549-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019
4. Code du tourisme (Франция).
5. Федеральный закон от 24 ноября 1996 г. N 132-ФЗ "Об основах туристской деятельности в Российской Федерации"
6. Постановление Правительства РК от 31 мая 2019 года № 360 "Об утверждении Государственной программы развития туристской отрасли Республики Казахстан на 2019-2025 годы